

## ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛКНИ ХИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАР

**Сатторов Санжар Тўлқинбой ўғли**

*мустақил изланувчи*

**Аннотация:** *Мазкур мақолада бугунги кунда мамлакатимизда интеллектуал мулк ҳимояси ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, Дунёнинг глобаллашуви интернет тармоғининг инсоният ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини янада ошириб юбориш билан бирга, кишиларнинг турмуш тарзи ва тасаввурини кескин ўзгаришига олиб келди. Бу эса ўз навбатида, ижтимоий муносабатлар учун афзалликлар ва қулайликлар билан бирга турли қаҳриқлар ва хавфларнинг ортишига замин яратди. Айти шундай масалалардан бири сифатида бугунги кунда жаҳон миқёсида Интернетда интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш масалалари кун тартибига чиқди.*

**Калит сўзлар:** *Жаҳон савдо ташкилоти, интеллектуал мулк объекти, товар белгиси, контрафакт маҳсулотлар, патент, муаллифлик ҳуқуқи, турдош ҳуқуқ.*

Жамиятнинг иқтисодий негизини мулк ташкил этади. Шунингдек, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузилиши ҳам мулк билан, мулкнинг кимларга тегишли эканлиги билан белгиланади. Мулксиз ижтимоий муносабатларни ривожлантиришнинг, мамлакатда халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишнинг иложи йук. Бугунги кунда интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоялаш ҳар бир жамият тараққиёти учун муҳим саналади. Интеллектуал мулк объектига нисбатан ҳуқуқ егасининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакат иқтисодий ривожини учун катта амалий аҳамиятга ега. Контрафакт товарлар ва қароқчилик маҳсулотлари мамлакат иқтисодиёти ривожига салбий таъсир қилувчи омиллардан бири ҳисобланади[6].

Мамлакатимизда интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасида, 2019 йил феврал ойига қадар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулк агентлигини ташкил этиш тўғрисида" 2011 йил 24 майдаги ПҚ-1536-сон қарори билан, муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар ҳимояси билан шуғулланувчи Вазирлар Маҳкамаси қошидаги муаллифлик ҳуқуқи ўзбек агентлиги ва интеллектуал мулк объектларини рўйхатга олиш ва ҳимоя қилиш вазифаси юклатилган Давлат patent идорасини бирлаштирган ҳолда ташкил етилган интеллектуал мулк агентлиги ваколатли ташкилот ҳисобланган.

Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигини такомиллаштириш зарурияти ҳисобга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2019 йил 8 февралдаги "интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 4168-сонли қарори билан ушбу агентлик Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимига ўтказилди.

Ривожланаётган ҳар бир мамлакат интеллектуал мулк тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ халқаро, ҳудудий ёки миллий ислохотларни амалга оширишда бир қатор жиддий ва чалқаш муаммоларга учрайди. Чунки, интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш соҳасидаги муаммоларни ҳал қилишнинг долзарблиги давлатларнинг ички ҳуқуқи ва халқаро битимларда уларнинг муайян ҳудуд билан боғлиқлигидан келиб чиқиб белгиланган, шу билан бирга, замонавий илғор технологияларнинг пайдо бўлиши интеллектуал мулк global тизимини вужудга келиши учун асос бўлди ва бугунги кунда интеллектуал мулк тизими кенг доирадаги ижтимоий муносабатларни амалга оширишини ўзида ифодалайдиган мақбул тартиботни талаб қилмоқда.

Интеллектуал мулкка бўлган мутлақ ҳуқуқларни суд орқали ҳимоя қилиш бўйича миллий ва хорижий тажрибалар кўриб чиқилган. Интеллектуал мулкка бўлган мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари ишлаб чиқиш учун суд ҳимоясининг роли ва ўзига хослиги, ушбу соҳани тартибга солувчи Қонунчилик базаси, миллий қонунчиликнинг самарадорлиги, суд тизимига алоқадорлиги, ушбу масала бўйича суд статистикаси, суд амалиёти ва хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлил қилинади. Интеллектуал мулкка оид низоларни ҳал етишнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий оқибатлари Ўзбекистонда ва бутун дунёда интеллектуал мулк ҳуқуқи масаласи жиддий ижтимоий муаммога айланиб бораётгани нуқтаи назаридан судлар фаолиятидаги енг долзарб масалалардан бири сифатида кўрсатилмоқда. Интеллектуал мулк ишларининг юрисдикцияси масаласи қандай ҳал етилиши бўйича жаҳон тажрибасини чуқур таҳлил қилиш асосида интеллектуал мулк низоларига ихтисослашган алоҳида судларнинг ташкил етилиши низоларни кечиктирмасдан адолатли ва оқилона ҳал етишга олиб келади деган хулосага келди. Мақолада суд амалиётида интеллектуал мулк масалаларини кўриб чиқишда муаммоларнинг икки тоифаси фарқланади. Биринчи турдаги муаммолар субъектив омиллар билан боғлиқ бўлса, иккинчиси объектив қийинчиликларни ўз ичига олади. Субъектив муаммолар интеллектуал мулк ҳуқуқлари билан боғлиқ барча низоларни ҳал қилиш тажрибасига ега бўлмаган судлардан иборат. Шу билан бир қаторда, объектив омиллар аниқ Қонунчилик базасининг йўқлиги ёки ушбу тоифадаги ишларни тартибга солувчи ягона суд амалиётининг ривожланмаганлигига олиб келади. Шу сабабли, Ўзбекистонда интеллектуал мулк низолари билан махсус шуғулланадиган ихтисослаштирилган судларнинг ташкил етилиши бозор иқтисодиётига асосланган ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши ва интеллектуал мулкнинг давлат ва жамият ҳаётидаги аҳамияти ортиб бориши билан

асосланади, деган хулосага келинди. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси олий судида судьялар гуруҳини шакллантириш жараёни жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва интеллектуал мулк агентлиги билан ҳамкорликда интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасида судьяларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тақозо этиши зарурлиги таъкидланди. Қиёсий тадқиқот усулларини асос қилиб олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикасининг хўжалик процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексида интеллектуал мулк ҳуқуқи, даъволар юзасидан суд жараёнининг ўзига хос хусусиятларини акс еттиришга бағишланган боб бўлиши тавсия этилади, суд жараёнлари, апелляция муддатлари ва бошқа процессуал муддатлар, бундай низоларнинг уларни бошқа ҳолатлардан ажратиб турадиган барча жиҳатларини қамраб оладиган нормалар, шунингдек, интеллектуал мулк ҳуқуқлари соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик ва интеллектуал мулк ҳуқуқларидан ноқонуний фойдаланганлик учун жиноий жавобгарликни тартибга солувчи нормаларни ишлаб чиқиш масаласи ҳам асосли.

Тадқиқот давомида Республикамизда интеллектуал мулк ҳимоясини такомиллаштириш мақсадида илмий-тадқиқот фаолиятининг анализ ва синтез усули асосида юртимиздаги интеллектуал мулк ҳимояси ҳолати аниқланди. Шунингдек, тизимли таҳлил қилиш орқали интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳолатини бир бутун тизим эканлигини ҳисобга олиб, уни ҳимоя қилишда ЖСТни алоҳида элемент сифатида ўрганилди. Шу билан бирга, ҳуқуқий тартибга солиш нормалари, интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш усуллари ҳуқуқий таҳлил қилиниб, соҳани бошқаришда хориж тажрибаси аҳамиятини ўрганилди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси;
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси;
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси;
5. Ўзбекистон Республикасининг "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги қонуни;
6. Ўзбекистон Республикасининг "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги қонуни;
7. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига шарҳ: Илмий шарҳлар. Т 3./Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. — Тошкент: Baktria press, 2013, 800 б.